

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАЗАКОВА НОЗИМА НОДИРОВНА

**РЕВМАТИЗМ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ
СТОМАТОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА УЛАРДА КАРИЕС
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Казакова Нозима Нодировна

Ревматизм билан касалланган болаларнинг стоматологик ҳолати ва
уларда кариес профилактикасини такомиллаштириш 5

Казакова Нозима Нодировна

Состояние стоматологического статуса и совершенствование
профилактики кариеса у детей с ревматизмом..... 21

Kazakova Nozima Nodirovna

The condition of dental status and improvement of caries prevention in
children with rheumatism 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works 42

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАЗАКОВА НОЗИМА НОДИРОВНА

РЕВМАТИЗМ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ
СТОМАТОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА УЛАРДА КАРИЕС
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2.PhD/Tib1235 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyounet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Даминова Шахноза Бадриддиновна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Абакаров Тагир Абакарович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент
(Россия Федерацияси)
Муртазаев Саидмуродхон Саидалоевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Тожикистон давлат тиббиёт университети
(Тожикистон Республикаси)


Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 8 » октябрь куни соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (005 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2020 йил « 23 » сентябрь куни тарқатилди.
(2020 йил « 23 » сентябрь даги 9 рақамли реестр баённомаси)




А.Ш. Иноятов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори


Д.Н. Ачилова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Н.А. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Болаларда ҳар қандай соматик касалликларнинг мавжудлиги стоматологик касалликлар ривожланишига олиб келади. Замонавий болалар стоматологиясида тизимли касалликларнинг болалар оғиз бўшлиғи аъзоларининг ҳолатига таъсирини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу масала оғир кечувчи сурункали касалликлар, шу жумладан ревматик касаллиги бўлган болаларда ҳам ўта муҳим. «Ревматизм болаларнинг ногиронлигига сабаб бўлиши, шунингдек ҳозиргача самарали бўлмаган узоқ даволаш терапияси билан бошқа соматик касалликлардан фарқ қилади»¹.

Дунё миқёсида ревматик касалликлари мавжуд бўлган беморларда оғиз бўшлиғида доимий ва мураккаб намоён бўлувчи ўзгаришларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар давом этмоқда. Хусусан, кўп муаллифлар тадқиқотларининг эрта босқичларида тиш кариеси касаллигининг кенг тарқалиши, унинг кўпинча аломатсиз кечиши ва унинг асоратларини кузатишган. Ушбу хасталик бўғимлар деструкциясига олиб келувчи синовиал қаватнинг жадал зарарланиши, патологик жараёнга чакка-пастки жағ бўғимларининг (ЧПЖБ) қўшилиши билан оғир сурункали кечиши билан тавсифланади. Бошқа томондан, тишларда кариеснинг кенг тарқалиши ва жадаллигини ревматизм билан касалланган беморларда минерал алмашинувнинг бузилиши туфайли сўлакда реминераллаштириш хоссаларининг пасайиши билан боғлашади. Ревматик касалликларнинг клиник кўринишлари турлича ва ҳар хил сабабларга боғлиқ. Ревматизм таснифида кўпроқ бўғимли ва тизимли шакллар ажратиб кўрсатилади. Чет эл адабиёт манбаларида ревматик хасталик билан оғриган болаларда стоматологик касалликларнинг асосий турлари кечиши масалаларига эътибор қаратувчи камдан-кам ва тизимлаштирилмаган тадқиқотлар мавжуд. Ўзбекистонда мазкур мавзуга бағишланган тадқиқот ишлари йўқ. Ҳозирги кунда бу тоифадаги бемор болаларга ихтисослаштирилган стоматологик даволаш-профилактик ёрдам ҳақидаги маълумотлар етарли эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини дунё стандартлари талабларига мослаштириш, тизимли касаллиги мавжуд болаларда стоматологик касалликларни даволаш ва профилактика қилишда сезиларли ўзгаришларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексида «...мамлакатимизда тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартизация тизимини яратиш, юқори технологик даволаш методларини жалб қилиш йўли билан соғлом ҳаёт тарзини қўллаб-қувватлаш, патронаж, диспансеризация ва касалликларнинг олдини олишни самарали моделларини яратиш...»² каби

¹ WHO (2016b). Newborns: reducing mortality [website]. Fact sheet no. 333. Geneva: World Health Organization. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs333/en/> (accessed 20 June 2016).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

вазифалар келтирилган. Бу вазифалар соматик касаллиги мавжуд беморларнинг стоматологик ҳолатини баҳолаш ҳамда сифатли тиббий, шу жумладан стоматологик ёрдамни аҳолига тақдим қилишда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш йўли билан даволанишини яхшилаш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021-йилларга ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 7-декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан мукамаллаштиришнинг комплекс чоралари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларга мос келади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ревматизм ташҳиси қўйилган беморларда тишлар кариесининг юқори тарқалиши ва жадаллиги сўнгги вақтларда қатор стоматологларнинг ишларида ўз тасдиғини топди (Скворцова А.А., Гринин В.М., 2011; Писарева А.Д., Матвиенко Е.В., 2018; Chopra M. et al. 2012). Бу беморларда кўпинча ажраладиган сўлак миқдорининг пасайиши, унинг сифат жиҳатдан бузилиши билан намоён бўлувчи сўлак безларининг зарарланиши аҳамиятга эга.

Тиш кариесининг кенг тарқалиши ва жадаллиги юқорилигини муаллифлар ревматизм билан касалланган беморларда минерал алмашинувнинг кескин бузилиши туфайли сўлакда реминераллаштириш хоссаларнинг пасайиши билан боғлашади (Безруков С.Г., Галкина О.П., 2018). Муаллифлар ревматик касалликларда оғиз бўшлиғи бузилишларини кузатишган. Қўл бўғимларида ҳаракатларнинг чекланиши оғиз бўшлиғида гигиенанинг ёмонлашувига олиб келади. Бунинг натижасида болаларда тиш кариеси ва пародонт касалликларининг юқори интенсивлик даражаси ва кенг тарқалиши кузатилади.

Шегрен синдромида сўлак безлари зарарланиши, бўғим касалликлари, моддалар алмашинуви ва тўқималар трофикасининг бузилиши, организмдаги аъзолар ва тизимларнинг функционал ҳолатидаги силжишлар туфайли келиб чиққан барча омиллар сўлак таркиби, оғиз бўшлиғида маҳаллий иммунобиологик ва микробиологик мувозанати, уни тозалаш имконияти, овқатланишнинг характери ва ўзига хосликларига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир қилади, бу охир оқибат, ревматизмда тишлар кариесининг юқори жадаллашувига олиб келади (Chopra M. et al. 2012). Буларнинг барчаси

асосий касаллик билан патогенетик алоқа билан ревматизмда тишлар кариесининг интенсивлигини белгилаш имконини беради.

Тулегенова Г.М. (2017) ювенил ревматоид артрити бўлган болаларда касаллик узоқ давом этганида ва глюкокортикостероидлар қўлланилганида гипокальцемиа ва остеопороз кўринишида минерал алмашинув бузилиши ривожланишининг юқори хавфи мавжудлигини кузатган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтида «Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш (2017-2021 йиллар)» 02.2020 PhD.028-сон илмий-тадқиқот ишларининг режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ревматизм билан касалланган болаларнинг стоматологик ҳолатини ўрганиш, баҳолаш ва уларда кариес профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматизм билан касалланган болаларда кариеснинг тарқалиши, жадаллиги ва ўзига хос клиник кечишини ўрганиш;

ревматизм кузатилган болаларнинг оғиз бўшлиғи гигиенаси ва пародонт тўқимаси ҳолатини баҳолаш;

клиник ва цитологик текшириш усуллари ёрдамида оғиз суяқлиги таркибидаги асосий биокимёвий ўзгаришларни ўрганиш, унинг тиш ва пародонт юмшоқ тўқимасига таъсирини аниқлаш;

ревматизм билан касалланган болалар учун стоматологик касалликларни самарали даволаш ва профилактика қилиш учун комплекс даволовчи-профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ва асослаш;

ревматизм билан касалланган болалар учун асосий касалликни даволаш шароитида стоматологик даволовчи-профилактик алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, кардиоревматология бўлимида даволанган Бухоро шаҳри ва туман поликлиникаларида яшаш манзили бўйича “Д” ҳисобда турган, ревматизм касаллиги бўлган 150 нафар бола. Назорат гуруҳига ёш бўйича асосий гуруҳ билан ўхшаш бўлган 34 нафар соғлом бола киритилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўлак, гигиена воситалари, пародонт юмшоқ тўқималарининг суртмалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсадни бажариш учун клиник, клиник-лаборатор, функционал, физик-биокимёвий, цитологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматизм касаллиги бўлган болаларда организмдаги клиник-функционал, биокимёвий ва цитологик кўрсаткичлар ва оғиз бўшлиғида асосий стоматологик касалликларнинг клиник аломатлари ўзаро боғлиқлиги асосланган;

ревматизм ташҳисланган болаларда оғиз суюқлиги кўрсаткичларида биофизик ўзгаришлар, оғиз бўшлиғида гигиена даражаси ва пародонт юмшоқ тўқималарида яллиғланиш реакцияси асосида тишлар кариеси ривожланишининг асосий хавф омили эканлиги аниқланган;

илк бор чуқур фторлаш билан бирга реминераллаштирувчи терапиянинг юқори профилактик самарадорлиги аниқланган;

ревматизм билан оғриган бемор болаларда стоматологик касалликларни даволаш ва профилактика қилиш комплекси таркибига кирган назоратли тиш ювиш, оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилиш, гигиена воситаларини танлаб бериш, стоматолог қабулига ҳар чоракда бир марта ташриф буюриш тадбирларининг ижобий самараси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ревматизми бўлган болаларнинг оғиз бўшлиғидаги касалликларини стоматологик даволаш ва профилактика қилишнинг самарали усулларини танлашга мукамаллашган ёндашув комплекси таклиф қилинган;

ревматизм билан оғриган болаларда кариес тарқалиши, интенсивлигининг ўсиши, оғиз бўшлиғи гигиенаси даражаси, оғиз суюқлиги кўрсаткичларининг патологик ўзгаришлари, пародонт юмшоқ тўқималарининг яллиғланиш реакцияси бўйича кўрсаткичлари асосида стоматологик ҳолат аниқланган;

чуқур фторлаш билан реминераллаштирувчи ва яллиғланишга қарши терапияни қамраб олувчи стоматологик даволаш-профилактика комплексининг тўлиқ ҳажмидан самарали фойдаланилиши исботланган;

ревматизм ташҳисланган болалар учун ишлаб чиқилган стоматологик даволаш-профилактика комплексининг алгоритми даволаш ва профилактика самарадорлигини оширган, кариес асоратлари ва рецидивлар сонини камайтирган, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ва апробациядан ўтган назарий ва амалий метод ва ёндашувларнинг қўлланилиши, танланган беморларнинг етарли сони билан аниқланади, олинган натижаларнинг ишончлилиги бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро назорат қилувчи тадқиқот усулларида фойдаланиб тасдиқланган. Олинган натижаларнинг чет эл ва мамлакатимиз муаллифлари томонидан олинган бошқа натижалар билан таққослаганда ишончлилиги натижаларнинг ишончлилиги ва хулосаларнинг асослилигини тасдиқланган ҳамда хулосалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ревматизми бўлган болаларнинг оғиз бўшлиғида асосий касалликларнинг клиник аломатларини клиник-функционал, биокимёвий ва цитологик тадқиқотлар билан аниқлашнинг ўзига хосликлари илмий асосланишидан иборат, тишлар кариеси ва пародонт касалликларининг профилактикаси ва уларни даволаш усулларига баҳо берилган, шунингдек асосий стоматологик касалликларни даволаш ва профилактика қилиш учун таклиф қилинган комплекснинг ижобий таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, амалиётга тадбиқ қилиш учун ревматизм касаллиги бўлган болаларнинг оғиз бўшлиғида, касаллик асоратларидан огоҳлантирган ҳолда, стоматологик касалликларни даволаш ва профилактика қилишнинг самарали методларини танлашга мукаммаллашган комплекс ёндашув таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилиши. Ревматизм билан касалланган болаларда стоматологик касалликларни даволаш ва профилактика самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ревматизм билан оғриган болаларда стоматологик касалликларни даволаш ва уларнинг профилактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 8н-р/157-сон хулосаси). Услубий тавсиянома ревматизм касаллиги бўлган болаларда стоматологик касалликлар асоратланишларини олдини олган ҳолда даволаш ва профилактика қилиш учун мукаммаллашган комплекс ёндашув қўллаш имконини берган;

«Ревматизм билан оғриган болаларда кариеснинг клиник кечиши» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 8н-р/158-сон хулосаси). Услубий тавсиянома кариеснинг эрта ташхиси, унинг ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда, даволашнинг муқобил вариантларини аниқлаш имконини берган;

Ревматизм билан касалланган болаларда стоматологик касалликларни даволаш ва профилактика самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Ромитан, Гиждувон, Когон ва Вобкент туманларининг стоматологик поликлиникалари амалий ишида тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 19.06.2020 йилдаги 8н-д/76-сон хулосаси). Натижада, ревматизм билан касалланган болаларда стоматологик касалликлар клиник кўринишларини функционал, биокимёвий ва цитологик тадқиқотлар ёрдамида аниқлаш орқали эрта даволаш ва профилактика қилиш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, уларнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва

предмети таснифланган, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилиниши, оммалаштирилган ишлар ва диссертациянинг таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ревматизм билан касалланган болаларнинг стоматологик ҳолати ва уларда кариес профилактикасини такомиллаштириш»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабиёт манбаларининг таҳлили берилган. Мамлакатимиз ва чет эл олимларининг энг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Дунё олимларининг мазкур муаммони ечишга ёндашувини акс эттирувчи адабиётлар тавсифи тақдим қилинган. Ревматизм бўлган болаларда стоматологик даволаш бўйича қизиқ маълумотлар келтирилган, ревматизмда болаларнинг кариесини даволаш, профилактика қилиш масалаларини ечишга ёндашувлар бўйича ҳамкасбларнинг тажрибалари ўрганилган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот методлари»** деб номланган иккинчи бобида ревматизмга чалинган 150 нафар болага тавсиф берилган. Болаларнинг ёш даражаси ЖССТ таснифи бўйича тузилган: 3 дан 6 ёшгача бўлган гуруҳни 14 нафар бола (9,3%), 7-10 ёш гуруҳини 32 нафар бола (21,3%) ташкил қилган, 83 нафар бола 11-13 ёш (55,3%) диапазонида бўлган, 21 нафар бола (14%) эса 14-16 ёш гуруҳига киритилган. Бемор болаларнинг ўртача ёши 11,5 ёшни ташкил қилган. Ревматизмга чалинган аксарият болалар 7-14 ёш диапазонда бўлган ва асосий касаллиги 1 йилдан 5 йилгача давом этган - 125 нафар бола (83,3%) да тадқиқот давом эттирилди. Текширилган бемор болаларнинг асосий қисмини ревматизмнинг бўғимли ва тизимли шаклига эга болалар ташкил қилган. Асосий касалликнинг ташҳиси педиатр-ревматолог томонидан қўйилган. 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга ревматизм касаллиги хавфи юқори, деб ҳисобланган. Назорат гуруҳи ёш бўйича асосий гуруҳлар билан ўхшаш бўлган 34 нафар болани ташкил қилди.


Текширилган болаларда ревматизмнинг клиник шаклларига тавсиф берилган (8 та шакл). Мазкур гуруҳдаги болаларда стоматологик ҳолатни текшириш усуллари батафсил таърифланган. Кариес ташҳиси тиш қаттиқ тўқималарида зарарланишнинг чуқурлиги эътиборга олиниб, кариес ривожланишининг аниқланган клиник аломатлари асосида қўйилган. Болаларни стоматологик текширилганда кариес билан зарарланишнинг қуйидаги асосий кўрсаткичлари кўзда тутилган: интенсивлик ва интенсивликнинг ўсиши - ЖССТ номенклатурасига кўра. Грин-Вермиллон усули бўйича гигиена индексининг аниқланиши, пародонт тўқималарини ҳолатининг баҳоланиши Парма (1960) модификациясидаги пародонтал индекс (ПМА) бўйича ўтказилди. Цитологик тадқиқот ўтказиш учун фронтал ва чайнов тишлари соҳаларида милк шиллиқ қаватидан суртмалар олинган (ҳар бир боладан 6 тадан суртма). Сўлак ажралиш тезлиги Рединова Т.Л., Поздеев А.Р (1994) усули бўйича аниқланган, сўлакнинг қовушқоқлиги ва унинг рН кўрсаткичлари (Рединова Т.Л., Поздеев А.Р., 1994) усули бўйича. ЭРТКБ - эмал реминерализацияси тезлигини клиник баҳолаш тести Рединова Т.Л. ва

хаммуал. (1995) методи бўйича аниқланган. Ревматизмга чалинган болаларни стоматологик текширишнинг тўлиқ алгоритми ишлаб чиқилган.

Натижаларнинг статистик ишланиши Windows 7.0 учун Statistica шахсий компьютер дастурий таъминотининг пакетиди, шунингдек “EXCEL-2007” компьютер дастури ёрдамида ўтказилган. Таҳлил қилинаётган аломатларни тақсимлаш параметрлари ўрта квадрат оғишнинг ($M \pm m$) ўртача қиймати кўринишида кўрсатилган. Бир жуфтдан ортиқ ўрта қийматларни таққослаш учун кўплаб солиштириш методидан фойдаланилган (Нюмен-Кейлс); кўплаб солиштириш учун Студент мезони ҳисобланган. Корреляция коэффиценти Спирмен бўйича ҳисобланган. Таққосланаётган аломатлар бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқ $P < 0,05$ да статистик аҳамиятли деб олинган.

Диссертациянинг «Ревматизм билан касалланган болаларнинг стоматологик ҳолати» деб номланган учинчи боби ревматизмга чалинган болаларнинг оғиз бўшлиғи стоматологик ҳолатини тўлиқ акс эттирган. Ревматизм аниқланган болаларда тиш кариеси кечишининг ўзига хосликлари кўрсатилган. Бемор болаларни текшириш натижасида асосий стоматологик касалликлар учрашининг юқори даражаси белгиланган: назорат гуруҳидаги соғлом болалар билан таққослаганда тишлар кариеси, ревматизмнинг бўғимли шаклида 96,1%, тизимли шаклида 97,9%, пародонт юмшоқ тўқималарининг касалликлари соғлом болаларда 20,6% ни, бемор болаларда касаллик шаклига мос равишда 63,7% ва 97,9% ни ташкил қилди.

Бемор болаларда кариеснинг тарқалганлиги назорат гуруҳидан ишончли равишда кўп бўлган. Ревматизмнинг бўғимли шаклида бу ўрганилаётган кўрсаткич сезиларли даражада юқори бўлиб, биринчи ёш гуруҳида 80,65% ва иккинчи ёш гуруҳида 96,15% ни ташкил қилди. Ревматизмнинг тизимли шаклида бу кўрсаткич ёш гуруҳига мос ҳолда 90,9% ва 100% ни ташкил этди. Бу вақтда назорат гуруҳида бу кўрсаткич ўртача 50% эканлиги аниқланган. Кариеснинг иккинчи кўрсаткичи, унинг интенсивлиги назорат гуруҳидан сезиларли даражада юқори бўлган (1-расм).



1-расм. Ревматизм билан оғриган болаларда кариес интенсивлиги

Ревматизм билан касалланган болаларнинг тишларида кариес эрта ва агрессив кечиши, кариеснинг асорати сифатида пулпит ва периодонтитга қисқа муддатда ўтиб кетиш хавфи тавсифланган, бунда улар асосий касалликнинг даволанишида фойдаланиладиган яллиғланишга қарши терапия фониди аломатсиз кечган. Ревматизм билан оғриган болаларда кўплаб тишларнинг кариес билан зарарланиши ва бир тишда бир вақтнинг ўзиди бир нечта кариоз бўшлиқлар (3-4 тагача) бўлиши хос. Кариеснинг жойлашуви нафақат унга хос жойларда, балки бўйин олди соҳасиди ҳам кузатилган.

Бемор болаларда кариеснинг ўрганилиши, уларда эмалнинг ўчоқли деминерализацияси (ЭЎД) ёки оқ доғ босқичиди кариес касаллигининг фаол кечишини кўрсатди. Ревматизм кузатилган болаларда ЭЎДнинг интенсивлиги ва тарқалиши соғлом болалар билан таққослаганда ишончли юқори эканлиги аниқланган (1-жадвал). Бўғимли шаклда болаларнинг ярмидан кўп қисмиди оғиз бўшлиғиди, хатто текширилувчиларнинг асосий қисмиди паст гигиена даражаси қайд этилган - 87,1%.

1-жадвал


Ревматизм кузатилган болаларда эмалнинг ўчоқли деминерализацияси интенсивлиги ва тарқалишининг солиштирма кўрсаткичлари

Касаллик кечиши	Кўрсаткичлар	
	Тарқалганлиги	Интенсивлиги
Бўғимли шакли	34,7±0,02 ***	0,85±0,04 ***
Тизимли шакли	26,5±0,01 ***	0,38±0,02 ***
Назорат гуруҳи	4,1±0,03	0,27±0,01

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқ (P <0,05)

Ревматизмнинг тизимли шакли билан касалланган болаларнинг 90% идан ортиғиди оғиз бўшлиғи гигиенаси паст ва жуда паст даражада эканлиги аниқланган (2-расм). Тишлар кариеси ва пародонт касалликлари билан касалланиш, оғиз бўшлиғиди гигиена сифатига боғлиқлиги, оғиз бўшлиғининг гигиенаси эса ўз навбатида болаларда гигиенага оид билимлар ва кўникмалар борлиғига боғлиқлиги исботланган.

Сўровнома ўтказилиши натижасиди оғиз бўшлиғини парваришлаш ва стоматологик касалликларнинг профилактикаси бўйича бемор болаларда гигиенага оид билимларнинг паст даражаси аниқланган. Шунинг учун ота-оналарда ҳам бу сўровнома ўтказилган. 32,1% дан ортиқ ота-оналар болалар тишларини доимий тозалашлари шарт эмас, улар шифокорга мурожаат қилганларида оладиган стоматологик ёрдам етарли деб ҳисоблашган. 45,6% ота-оналар профилактика чоралари мавжудлиги ва оғиз бўшлиғини тўғри парваришлашнинг аҳамияти ҳақиди билишмаган. 22,3% и оғиз бўшлиғи парвариши ҳақиди бошланғич маълумотларга эга эканлиги аниқ бўлган. Бемор болаларда милклардан қон кетиши тишларда юмшоқ ва қаттиқ карашларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиб, ревматизмнинг бўғимли шаклида 67-82%, тизимли шаклида 73-90% болаларда тиш карашлари аниқланган.



2-расм. Ревматизм билан оғриган болаларда оғиз бўшлиғи гигиенасининг даражаси

Бу биринчидан, оғиз бўшлиғини парваришлаш бўйича тўғри кўникмаларнинг йўқлиги, ревматизмда беморларнинг умумий ҳолати оғирлиги; иккинчидан, оғиз бўшлиғининг тўлақонли индивидуал гигиенасини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи кўл ва билакларда бўғимларнинг оғриши, шунингдек ҳаракатланганда чакка пастки жағ бўғими билан боғлиқ бўлган, беморларда оғиз бўшлиғини доимий бўлмаган ва паст сифатли парвариш қилиниши билан изоҳланади.

Оғиз бўшлиғининг бундай ёмон ва жуда ёмон гигиеник ҳолати бемор болаларнинг юмшоқ пародонт тўқималарида яллиғланиш жараёни ривожланишига олиб келганлигини эътиборга олиш лозим. Ревматизм касаллигига чалинган 90% дан ортиқ болаларда гингивитнинг турли шакллари аниқланган. Бунда тизимли ревматизм шаклида пародонт юмшоқ тўқималарида касалликларнинг интенсивлиги бўғимли шаклдан кўра сезиларли даражада юқори бўлганлигини айтиб ўтиш лозим. Аксарият ҳолатларда ревматизмнинг иккала шаклида сурункали катарал гингивитлар аниқланган: бўғимли шаклида ёш гуруҳига мос равишда 65,7% ва 78,2%, тизимли шаклида 72,3% ва 86,4% ни ташкил қилган.

Болаларда тиш кариесининг фаол ривожланишига сўлакнинг физиологик хоссаларини тавсифловчи унинг қовушқоқлигининг ортиши, сўлак ажралиш тезлиги ва рН кўрсаткичининг камайиши, оғиз бўшлиғи гигиенасининг паст даражаси етарлича катта таъсир кўрсатган.

Аралаш сўлакнинг физиологик кўрсаткичларини ўрганиш назорат гуруҳидаги соғлом болалар билан таққослаганда сўлакнинг ажралиш тезлиги пасайишини кўрсатган. Тизимли ревматизм шаклида иккала ёш гуруҳида сўлак ажралиш тезлиги пасайиши етарлича кўп, меъёрдан ишончли паст ($P < 0,01$) ва мос равишда: $0,29 \pm 0,03$ мл/дақ; $0,28 \pm 0,03$ мл/дақ га тенг (2-жадвал).

Бемор болаларда аралаш сўлакнинг ўрганилган кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Бўғимли шакли		Тизимли шакли		Назорат гуруҳи
	1 гуруҳ	2 гуруҳ	1 гуруҳ	2 гуруҳ	
Сўлак ажралиш тезлиги (0,35-0,5 мл/л)	0,33±0,01*	0,32±0,05*	0,29±0,03*	0,28±0,05*	0,39±0,02
Қовушқоқлик (1,0-3,9 бир.)	4,1±0,13*	4,2±0,15*	4,25±0,12**	4,3±0,3**	3,4±0,11
рН (6,7-7,3)	6,5±0,1*	6,45±0,3*	6,40±0,2**	6,4±0,3**	6,9±0,1
ЭРТКБ (1-3 дил.)	3,6±0,03*	3,7±0,02**	4,0±0,07*	4,5±0,05**	2,5±0,01

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарк (* - $P < 0,05$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,001$).


Барча ёш гуруҳларидаги бемор болаларнинг оғиз суюқлигида қовушқоқлик кўрсаткичи назорат гуруҳи билан таққослаганда кескин кўтарилган. Оғиз суюқлиги қовушқоқлигининг энг юқори кўрсаткичи иккинчи ёш гуруҳида (11-14 ёш) ревматизмнинг тизимли шаклига эга болаларда кўрсатилган ва у $4,3 \pm 0,3$ га тенг бўлган. Сўлак ажралиш тезлиги ва оғиз суюқлигининг қовушқоқлик кўрсаткичлари ўртасида бевосита корреляцион боғлиқлик аниқланган. Оғиз суюқлигининг рН кўрсаткичи меъёрда соғлом болаларда 6,9; бўғимли шаклида биринчи ёш гуруҳида (7-10 ёш) - 6,5; иккинчи ёш гуруҳида (11-14 ёш) - 6,45 эканлиги аниқланган, бу меъёрдан ишончли ($P < 0,05$) паст. Тизимли ревматизм шаклида иккала ёш гуруҳида сўлакда рН 6,40 га тенг, бу эмал реминераллашуви учун кескин қиймат ҳисобланади, бу қийматдан пастда болаларда эмал қаватининг деминерализация жараёнлари ва тишларда кўплаб кариес ривожланиши бошланади.

ЭРТКБ тести натижалар таҳлили шуни кўрсатганки, сўлак ажралиши тезлиги пасайишининг унинг қовушқоқлиги ортиши билан бирга кечиши ва рН пасайиши, оғиз бўшлиғининг физиологик ўз-ўзини тозалаш функцияси бузилишига, аралаш сўлак ва тиш эмалининг юза қавати ўртасидаги ион алмашинувининг бузилишига олиб келувчи тишлар карашининг ҳосил бўлиши ва тўпланиши ортишига олиб келган.

Маълумки, рН кўрсаткичи соҳанинг яллиғланиш жараёнида кескин ортади, пародонтда сурункали катарал гингивит ривожланиши эса бемор болаларда аралаш сўлакнинг янада кўп оксидланишига олиб келади, у сўлак ажралиш тезлиги пасайиши, унинг қовушқоқлиги ортиши ва рН пасайиши билан тавсифланади, бу кўплаб кариес, пародонт касалликлари ва оғиз бўшлиғи аъзоларида бошқа касалликлар ривожланишига олиб келувчи бош патогенетик омил бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг «Ревматизм билан касалланган болаларда пародонт касалликлари ташҳисда цитологик тадқиқотларнинг қўлланилиши» деб номланган тўртинчи бобида ревматизм билан касалланган болаларда пародонт касалликлари ташҳисда цитологик тадқиқотларнинг қўлланилиш таҳлили келтирилган. Пародонт яллиғланиш касалликларини ташҳислаш учун очик усуллардан бири милк шиллиқ қавати суртмаларининг цитологик тадқиқоти ҳисобланади. Пародонт юмшоқ тўқималаридан суртмаларнинг цитологик ўрганилиши касалликни эрта ташҳислашда, пародонт юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёнининг бошланғич шакллари ташҳислашда фойдаланиш имконини беради.

Цитологик тадқиқот ўтказилганда пародонт юмшоқ тўқималарининг сурункали катарал гингивитга мос келувчи ўзгаришлари аниқланган (3-расм).



3- расм. Ревматизм билан касалланган ва назорат гуруҳидаги болаларда пародонт эпителиал ва боғловчи тўқималари суртмаларининг цитологик солиштирма кўрсаткичлари

Соғлом болалар цитологик тадқиқотида 81,14% га тенг эпителиал ҳужайралар устунлиги аниқланган. Ревматизмда ҳужайра тўпламида эпителиал ҳужайраларнинг 2,4% дан ортиқ камайиши ва шу аснода цитоплагия ҳодисаси билан ҳужайраларнинг ишончли ўсиши кузатилган.

Вакуолизациялашган цитоплазмали хужайралар миқдори 3,5% га, деформацияланган ядроли хужайралар 3,28% га ошган. Яллиғланиш инфилтрати ПМЯХ хужайраларининг ортиши 2,37% ни, шикастланмаган моноцитларники 1,7% ни ташкил қилган. Милқда яллиғланиш реакцияси мавжудлиги, клиник визуал намоён бўлмайдиган сурункали катарал гингивитнинг аломатсиз кечишини тавсифлайди. Сурункали катарал гингивитнинг эрта ташҳиси ва пародонтнинг юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёни мавжудлигини аниқлаш учун цитологик тадқиқотдан самарали фойдаланиш мумкин.

Бемор болаларда цитологик кўрсаткичлар пародонт юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги ва устунлигини очиқ кўрсатган ва исботлаб берган. Болаларнинг солиштирма маълумотлари таҳлили билан, ревматизм клиник кечиш шаклидан қатъий назар, пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик тадқиқотида асосий ревматик касалликларнинг кортикостероид ва ностероид яллиғланишга қарши воситаларнинг (НЯҚВ) катта дозаси билан даволаш ўтказилиши туфайли клиник жиҳатдан суст ифодаланган ёки ифодаланмаган сурункали катарал гингивит кечишига хос мезонлар аниқланган.

Диссертациянинг «Ревматизм билан касалланган болаларда асосий касалликни даволаш фонидида ўтказилган, оғиз бўшлиғи аъзоларини стоматологик даволаш ва профилактика қилишнинг таклиф қилинаётган усулларининг клиник самарадорлигини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида ревматизм билан касалланган болаларнинг оғиз бўшлиғида аъзолар ҳолатининг ўрганилиши қатор клиник-патологик ўзгаришлар ва қатор белгили комплекс силжишларни аниқлаб берган. Бемор болалар асосий касаллик кечишининг оғирлигига боғлиқ равишда узоқ вақт давомида стационар даволанишда бўлишга мажбур, йилига камида 2 марта, даволаш давомийлиги 1 ойдан 3 ойгача чўзилиши мумкин. Шунинг учун бемор болаларнинг бу тоифаси учун стационар даволаш шароитида профилактик стоматологик чоралар ўтказилишини ташкиллаштириш зарур. Ревматизм билан касалланган болалар учун даволаш-профилактика стоматологик комплекси ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган. Ишлаб чиқилган стоматологик даволаш-профилактика комплекси самарадорлигининг мезони сифатида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилган: бемор болаларда оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасини кўтариш, пародонт юмшоқ тўқималари яллиғланишини пасайтириш, аралаш сўлак физик-кимёвий ҳолатида патологик силжишларни қайта тиклаш, болалар тишлари эмалини мустаҳкамлаш ва эмал реминераллашуви клиник тезлигини қайта тиклаш (ЭРТКБ-тест бўйича), тишларда кариес жадаллигининг ўсишини камайтириш.

Таклиф қилинаётган стоматологик даволаш-профилактика комплекси 6 йўналишга эга. Тадқиқотлар стационарга келганда, даволашгача, даволашдан сўнг, 6 ой ва бир йилдан сўнг ўтказилган (4-расм).

Бемор болаларда тиш кариесининг профилактикаси «Нанофлюор» чуқур фторлаш лаки билан бирга R.O.C.S препарати билан юқори самарали профилактикали реминераллаштирувчи терапия билан ўтказилган. R.O.C.S

реминераллаштирувчи гели эмал, болалар тишини қайта тиклаш учун уникал формулага эга, махсус аппликация гели, биоочиқ калций ва фосфор миқдори эмални тиклайди, ширин-нордон таъми сўлак ажралишини кўпайтириши билан бошқа препаратлардан фарқ қилади, бу эса даволаш самарасини оширади. Акс таъсирларга эга эмас. Даволаш курси кўрсаткичлар бўйича 2-3 ҳафта.



4- расм. Стоматологик даволаш-профилактика комплексининг схемаси

Чуқур фторловчи «Нанофлюор» берилган биофаолликка эга, узоқ сақланидиган, юқори сингувчан, антисептик ва бактерицид хоссаларга эга. Тишлар эмалининг чуқур фторланиши реминераллаштирувчи терапия курси якунланганидан сўнг ўтказилган. Сўлак қовушқоқлигини камайтириш, гигиена даражасини яхшилаш ва пародонтнинг юмшоқ тўқималаридан яллиғланишни бартараф қилиш учун болалар оғиз бўшлиғини қўшимча 4 та етарлича таъсир этувчи кимёвий моддадан ташкил топган препарат - Элюдрил ПРО аралашмаси билан чайишган. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати ва пародонт юмшоқ тўқималарига юмшатувчи яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади, шунингдек антисептик, антибактериал, аналгетик ва замбуруғга қарши таъсирга эга. Бемор болалар овқат қабул қилгандан сўнг оғзини кунига 3-4 марта чайишган.

Бўғимли ва тизимли ревматизм шаклларида даволаш гуруҳлари икки кичик гуруҳга ажратилган: 1-кичик гуруҳда бемор болалар гигиена тадбирларида электр тиш чўткасидан (ЭТЧ); 2-кичик гуруҳда мануал тиш чўткасидан (МТЧ) фойдаланишган. ЭТЧ тиш юзасини сифатлироқ тозалаган ва тиш карашини 27% га кўпроқ тозалаб, 12% га милк касалликларини камайтирган. Қўл ва бармоқ бўғимларида оғриқ бўлиб, уларнинг ҳаракати чекланганида мануал тиш чўткаси ўрнига электр тиш чўткасидан фойдаланиш тавсия этилган. Мануал тиш чўткасидан фойдаланилганда даволашдан сўнг гигиена индексининг сезиларли даражада пасайиши, кузатув якунигача шу даражада қолиши аниқланган.

Бемор болаларда оғиз бўшлиғи гигиенасининг даражасини яхшилаш учун ҳар йили 3-4 ойда уйда индивидуал гигиена билан бирга ўтказиладиган тиш кариеси профессионал профилактикаси алгоритми тузилган.

Тиш кариеси ва эмалнинг ўчоқли деминерализацияси интенсивлиги назорат гуруҳи билан таққослаганда ишончли пасайган, ЭРТКБ-тест кўрсаткичи болаларнинг тишларида эмал реминераллашувининг ортишидан гувоҳлик берган (3-жадвал).

3- жадвал

Бемор болаларда ЭЎД интенсивлиги кўрсаткичининг динамикаси

Тадқиқот кўрсаткичлари	Дастлабки маълумотлар	Даволашдан сўнг	3 ойдан сўнг	6 ойдан сўнг
Бўғимли шакли				
ЭЎД интенсивлиги	0,85±0,04	0,75±0,03*	0,63±0,02** ^x	0,60±0,03** ^x
Кариес интенсивлиги	4,87±0,5	4,87±0,5*	4,87±0,5*	4,90±0,8*
ЭРТКБ	3,65±0,2*	3,2±0,1** ^x	2,95±0,8** ^x	2,95±0,7** ^x
Тизимли шакли				
ЭЎД интенсивлиги	0,98±0,02	0,80±0,03** ^x	0,67±0,03*	0,62±0,02*
Кариес интенсивлиги	5,10±0,7	5,10±0,7*	5,10±0,7*	5,20±0,6*
ЭРТКБ	4,25±0,2*	4,0±0,5*	3,41±0,4** ^x	3,38±0,6** ^x
Назорат гуруҳи				
ЭЎД интенсивлиги	0,83±0,02	0,83±0,02	0,87±0,03	0,93±0,01
Кариес интенсивлиги	4,78±0,7	4,80±0,7	4,86±0,7	4,89±0,9
ЭРТКБ	3,75±0,2	3,80±0,5	3,86±0,4	3,90±0,5

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқ ($P < 0,05$);

^x – дастлабки маълумотларга нисбатан ишончли фарқ ($P_1 < 0,05$).

Сўлак ажралиш тезлиги, гигиена индекслари, оғиз суюқлигининг ковушқоқлиги ўртасида бевосита корреляцион боғлиқлик аниқланган, бу тишлар эмалининг деминераллашуви устидан реминераллашув жараёнлари устунлигига олиб келган.

Ўтказилган тадқиқот ревматизм билан оғриган беморларнинг оғиз бўшлиғи аъзоларидаги касалликларнинг кечиши ва уларни даволашни ўрганишга комплекс ёндашув зарурлигини тасдиқлаган, мазкур контингентда стоматологик патологиянинг аниқланган ўзига хосликлари даволаш-профилактика чоралари комплексини оптималлаштириш имконини берган.

Шундай қилиб, бир ой давомида стоматологик даво-профилактика комплекс курсининг ўтказилиши асосий касалликни даволаш фонидан анъанавий даволаш билан таққослаганда стоматологик касалликларнинг профилактикаси ва уларнинг даволаниши учун етарлича самарали усул бўлиб ҳисобланади. Комплекс стоматологик ёндашувда қўлланилган R.O.C.S реминераллаштирувчи препарат, чуқур фторлаш билан бирга бугунги кунда ревматизм билан касалланган болалар учун тишлар кариесининг профилактикаси учун самарали усул ҳисобланади.

Пародонт ҳолатининг клиник яхшиланиши цитопатология ҳодисаси билан ҳужайраларнинг камайиши ва шикастланмаган моноцитлар, шунингдек полиморф ядроли ҳужайра яллиғланиш инфилтрати боғловчи тўқимали ҳужайралари ва бошқаларнинг камайишида ифодаланувчи цитологик тадқиқотни тасдиқлайди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ревматизм билан касалланган болаларда асосий касалликни даволаш фонидан ўтказиладиган

Таклиф этилаётган алгоритм кетма-кетлик ва комбинацияларига риоя қилиб қўлланилганда оғиз бўшлиғи аъзоларининг асосий стоматологик касалликларининг профилактикаси, ижобий кечиши ва даволанишининг самарадорлигини таъминлаган. Ўтказилган тадқиқотлар ревматизм билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғи аъзолари касалликларининг кечиши ва даволанишини ўзига хосликларини ўрганишга комплекс ёндашув заруриятини тасдиқлаган.

ХУЛОСАЛАР

«Ревматизм билан касалланган болаларнинг стоматологик ҳолати ва уларда кариес профилактикасини такомиллаштириш» мавзусида докторлик диссертацияси (PhD) бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Ревматизмга чалинган болаларнинг стоматологик ҳолати уларда кариесининг кўп тарқалганлиги ва юқори интенсивлик даражасини кўрсатди: касалликнинг бўғимли шаклида 1 ва 2- ёш гуруҳларида 81% ва 95%; тизимли шаклида 91% ва 100% ни ташкил этди.

2. Ушбу болаларда пародонт касалликлари соғлом болаларга нисбатан 1.2 марта кўп учраши, сўлак безларининг физиологик функцияларининг бузилиб, оғиз бўшлиғи гигиена даражасининг пасайишидан ва оғиз бўшлиғида ўзини-ўзи тозалаш жараёнларининг сусайишидан гувоҳлик қилади.

3. Бемор болаларнинг оғиз суюқлиги қовушқоқлигининг ортиб, рН муҳитининг кислотали томонга силжиши уларда пародонт касалликларини ортишига сабаб бўлади. Пародонт касалликлари ревматизмнинг бўғимли шакли билан таққослаганда тизимли шакли билан оғриган болаларда ишончли юқори.

4. Ревматизм касаллигига чалинган болаларда клиник намоён бўлмасдан кечадиган сурункали катарал гингивитда милкнинг яллиғланиш реакциясини аниқлаш мақсадида пародонт юмшоқ тўқималарининг суртмаларини цитологик ўрганиш кўрсаткичларидан фойдаланиш зарур. Бунда хужайра тўпламида эпителиал хужайраларнинг 2,4% дан ортиқ камайиши ва шу аснода цитоплагия белгили хужайралар тўпламининг ишончли ўсиши кузатилди.

5. Асосий касаллик фонидида ўтказиладиган кариеснинг олдини олувчи, даволаш ва гигиена тадбирлари комплексининг уйғунлигидан ташкил топган, ишлаб чиқилган стоматологик даволаш-профилактик алгоритми стоматологик ёрдам самарадорлигини оширишга ва бемор болаларда оғиз суюқлигининг реминераллаштирувчи қобилятининг кучайишига ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

КАЗАКОВА НОЗИМА НОДИРОВНА

**СОСТОЯНИЕ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО СТАТУСА И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ КАРИЕСА У ДЕТЕЙ С
РЕВМАТИЗМОМ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1235.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный руководитель: Даминова Шахноза Бадриддиновна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Абакаров Тагир Абакарович
кандидат медицинских наук, доцент
(Российская Федерация)

Муртазаев Саидмурод Саидиалоевич
доктор медицинских наук


Ведущая организация: Таджикский государственный медицинский университет
(Республика Таджикистан)


Защита диссертации состоится « 8 » октябре 2020 г. в 12³⁰ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).


С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 005). Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан « 23 » сентября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 9 от « 23 » сентября 2020 года)




А.Ш. Иноятов
Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук


Д.Н. Ачилова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор философии (PhD) по
медицинским наукам


Н.А. Нуралиев
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней, доктор
медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Наличие любых соматических заболеваний у детей находит свое отражение в развитии стоматологических нарушений. В современной детской стоматологии большое внимание уделяется изучению влияния системной патологии на состояние органов полости рта ребенка. Особенно важен этот вопрос у детей с тяжело протекающими хроническими заболеваниями, в частности, с ревматическими заболеваниями. «Ревматизм отличается от других соматических заболеваний тем, что вызывает у детей инвалидность, а также до сих пор не всегда эффективной длительной терапией»¹.

Во всем мире ведутся исследования, направленные на проявляющиеся постоянные и сложные изменения в полости рта у пациентов с ревматическими заболеваниями. В частности, многие авторы на ранних этапах исследований отмечали большую распространённость кариозных поражений зубов, нередкою бессимптомность течения кариеса и его осложнений. Данное заболевание характеризуется тяжёлым хроническим течением с прогрессирующим поражением синовиальной оболочки, приводящих к деструкции суставов и с вовлечением в патологический процесс височно-нижнечелюстной сустав (ВНЧС). С другой стороны, высокую распространённость и интенсивность кариеса зубов авторы связывают с существенным снижением реминерализующих свойств слюны в связи с резким нарушением минерального обмена у больных с ревматизмом. Клинические проявления ревматизма многообразны и зависят от разных причин. В классификации ревматизма выделяют преимущественно суставную и системную формы. В зарубежных литературных источниках имеются единичные и не систематизированные исследования уделяющие внимание вопросам особенностей течения основных видов стоматологической патологии у детей, больных ревматической болезнью. В Узбекистане отсутствуют работы посвященные данной теме. В настоящее время недостаточны данные о специализированной стоматологической лечебно-профилактической помощи больным детям этой категории.

Сегодня в нашей стране наблюдается значительный прогресс в развитии медицины, адаптации системы здравоохранения к требованиям мировых стандартов, лечению и профилактике стоматологических заболеваний у детей с системными заболеваниями. Комплекс мер по совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан включает «... повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также создание системы медицинской стандартизации, поддержки здорового образа жизни путём привлечения высокотехнологичных методов лечения, создание эффективных моделей патронажа, диспансеризации и профилактики заболеваний... »². Эти задачи позволят улучшить лечение

¹ WHO (2016b). Newborns: reducing mortality [website]. Fact sheet no. 333. Geneva: World Health Organization. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs333/en/> (accessed 20 June 2016).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

пациентов с соматическими заболеваниями за счет оценки их стоматологического состояния и усовершенствования использования современных технологий при оказании качественной медицинской помощи, в том числе стоматологической помощи населению.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

